# Хабар

HABAR

خبر

*Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри*

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1995 йил, 17 февраль № 7 (132) • Сотувда эркин нархда


*Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг навбатдаги ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Уни Алоқа вазири К. Р. Раҳимов бошқарди. Йиғилишда бажарилиши лозим бўлган вазифалар хусусида сўз юритилди.*

## ҲАЙЪАТ МАЖЛИСИНИНГ ҲИСОБОТИ

Ҳайъат йиғилишида Тошкент шаҳар телефон тармоғида боғловчи линиялардаги радиорелеларни қуриш ишларидаги аҳвол ҳақида вазирнинг биринчи ўринбосари Т. Ғ. Раҳимов маълумот берди. Олти ой илгари Тошкент шаҳрида АТСлараро алоқа тармоқларини яхшилаш учун радиореле тизимларини жорий этиш режалаштирилганди. Шаҳар телефонлаштириш ва радиолаштириш бирлашмаси буюртмаси бўлган лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни ЎзДАЛИ институти, қурилиш ишларини эса "Эфир" кичик корхонаси ўз зиммаларига олишганди.

Тошкентда Германиянинг "Алкатель СЕЛ РФТ" фирмаси 11 та ва Япониянинг "Мицуи" фирмаси радиореле станциялари жиҳозларини ўрнатиб беришга қарор қилишганди. Ушбу ишларнинг маълум бир қисмини шу йилнинг январь ойида туғаллаш кўзда тутилганди. Аммо бу вазифалар белгиланган муддатда бажарилмай қолди. Бунинг асосий сабабларидан бири — хорижий фирмалар билан иш олиб бориш осон бўлмаяти, иккинчидан "Эфир" кичик корхонаси станцияда ишни ниҳоясига етказолмади.

Ҳозир қурилиш майдонларида қурувчиларнинг учта бригадаси ишламоқда. Энг асосийси — темир-бетон пойдеворлари қуйилди. Металлконструкция заводи минора секциясини тайёрлади. Улар яқин кунлар ичида шаҳарнинг турли жойларидаги АТСларда ўрнатилади. "Ўзимпэксалоқа" ташқи савдо фирмаси зарур жиҳозларни қурилиш майдонига етказиб беришда кўмаклашмоқда.

Ушбу масала бўйича Ю. А. Перегудов, В. Г. Будагов, В. Л. Тогаев, В. А. Кравченколар сўзга чиқиб, Тошкент шаҳар телефон тармоғини боғловчи радиореле линияларни икки ой ичида қуриб, ишга туширишга ишонч билдирдилар.

Ҳайъат бу ишончни эътиборга олиб, вазир ўринбосарлари Т. Ғ. Раҳимов ва В. А. Кравченкога ушбу иншоотларнинг қурилиши ҳамда ишга туширилишини назорат қилиб боришни топширди.

Ҳайъат мажлисида Электромагнит ўриндошлик маркази бошлиғи А. К. Ҳасанов ўзи бошчилик қилаётган марказ фаолияти тўғрисида гапирди. Ушбу ахборот муҳокамасида Алоқа вазирлиги бўлим бошлиғи Б. Рустамовнинг сўзи тингланди.

Кўрилган масала юзасидан раҳбарлар ишига баҳо берилиб, корхона раҳбарларига келгусидаги режа ва йўналишларини белгилаб олиб, ишни янада жадаллаштириш, аниқ чора-тадбирлар кўриш каби муҳим вазифалар топширилди. Шу билан бирга республикамизни сифатли радиоалоқа билан таъминлашга эришиш мақсадида Электралоқа инспекцияси ишини жонлаштириш кераклиги уқтириб ўтилди.

Вазир ўринбосари В. А. Кравченконинг "Ўзбекистон маркаси" нашриёт марказида олиб борилган текшириш ишлари ҳақидаги маълумоти тингланди. Тафтиш материаллари асосида ушбу нашриёт марказининг директор ўринбосари Б. Кубеев камчиликларни тафтишдан яширганлиги учун ўз вазифасидан озод этилган эди. Текширишлар ушбу ҳолат содир бўлмаганлигини кўрсатди. Ҳайъат Б. Кубеевни ўз вазифасига қайтадан тиклашни тавсия этди.

Ҳайъат мажлисида ходимлар масаласи ва бошқа ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

**А. КУДИНОВ**



**Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси Маълумот-ахборот цехининг бригадири Норгул Турсунбоева. У 15 йилдан бери 09 хизматида фаолият кўрсатади.**

Сураткаш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

*• Воқеалар • Янгиликлар • Хабарлар*

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига Эрон Ислом Жумҳуриятининг Президенти Акбар Ҳошимий Рафсанжоний Рамазон ойи муносабати билан эзгу тилак изҳор этилган қутлов йўллади.

**• "Ўзбекистон Республикаси вақтли матбуот ходимлари меҳнат шароитларини яхшилаш тўғрисида" Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди.**

• "1994 йилда иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши ва уларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида" ҳамда "Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида" Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари чиқди.

**• Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномасининг 1995 йилги биринчи, иккинчи, учинчи сонлари нашрдан чиқди. Уларда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслари чоп этилган. Ахборотномаларни "Ўзбекистон почтаси" рўзномалар дўконларидан сотиб олиш мумкин.**

• Асакадаги "ЎзДЭУавто" қўшма корхонасида дастгоҳларни ўрнатиш бошланди. Кореяда ўқиб, ҳунарли бўлиб келган ўзбек йигитлари бу ишларда ўрнак кўрсатишмоқда. Янги корхона вилоятдаги минглаб ёш йигит-қизларни иш билан таъминлайди.

**• Тошкентда Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.**

• Украинада мутахассисларнинг фикрига кўра, ҳукумат ҳақидаги қонунга биноан Украина Президент томонидан бошқариладиган республика бўлиши мумкин.

**• Болтиқбўйи мамлакатлари президентлари 9 май куни фашистлар устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан Москвада бўладиган тантаналарда иштирок этиш ҳақида ҳали бирор қарорга келишгани йўқ.**

• Жоҳар Дудаев Россия Федерацияси ҳарбий раҳбарларининг режасидан жуда яхши хабардор. У ҳатто Россия армияси Бош қўмондонлигининг Чеченистондаги ҳарбий ҳаракатлар харитасига эга. Айрим хабарларга кўра, Чеченистондаги тинч аҳолининг ҳалок бўлиши кўпчиликни қўлига қурол олишга ундамоқда.

**• Сурия Президенти Ҳафиз Ал-Асад Франция ташқи ишлар вазири Ален Жопе бошчилигидаги Европа Иттифоқи делегацияси аъзолари билан учрашди. Президент Ҳафиз Ал-Асад Европа мамлакатларининг Яқин Шарқда тинчликни сақлаш ишига қўшаётган ҳиссасини юқори баҳолади. Шунингдек, у минтақадаги хавфсизликни таъминлашга Исроил давлати турли тўсиқлар қўяётганнини қоралади.**

• Америка Қўшма Штатлари савдо вазири Рональд Браун расмий ташриф билан Қувайтга келди. У Қувайт амири Шайх Жабер Ал-Аҳмадга АҚШ Президентининг мактубини топширди. Рональд Браун бошчилигидаги ишбилармонлар делегацияси Қувайт давлати вакиллари билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасида музокаралар ўтказди.

*• Акс-садо*

## ГАП ЭГАСИНИ ТОПАДИ

*Ўтган йили телефонимиз жуда кўп бузилди. 2 декабрдан 24 декабргача ишламай, асабларимизни чил-парчин қилиб ташлади. Энг алам қиладигани — янги йилни телефонсиз ўтказдик. На қариндош-уруғлар бизга телефон қила олади, на биз уларни янги йил билан табриклай олдик.*

*АТС бошлиғи Ш. Обидхўжаевга жуда кўп учрашганмиз. Бизнинг гапимизни эшитгиси ҳам келмайди. Ундайлардан тармоққа фойда бормикан? Иш вақтида ҳеч қачон у кишини топиб бўлмайди, доим йўқ. Котиба эса қаерга кетганини билмайди.*

*Шаҳардаги 53,66, 96-АТСларнинг ишини қониқарли дейиш қийин. Бу автоматик станциялардан "4" рақами билан бошланадиган телефонларга умуман тушиб бўлмайди. АТС бошлиқларига айтавериб чарчадик. Ҳеч қандай натижа бўлмаяпти. Ёнимизга янги 54-АТС қурилаётганида жуда хурсанд бўлган эдик. Чунки жиҳозлар чет элдан келтирилган эди. Барибир умидимиз пучга чиқди. Биз бошқа АТСга қарар эмишмиз.*

*Хуллас, тармоқ ишига танқидий кўз билан қаралмаса, ҳеч қачон унинг ишлари ўнгланмайди. Хотиржамлик, лоқайдлик ёмон нарса. Шундан қутулиш чораларини ҳар биримиз ўрганишимиз керак.*

**Эркин ИБРОҲИМОВ,**
**Тошкент шаҳар, Мевазор кўчаси 49-уй, 20-хонадон**

# "УМРИМ БЕҲУДА ЎТМАДИ"

***Ҳар бир касбнинг ўз фидойилари бўлади. Алоқа соҳасида ҳам шундай инсонлар кўплаб топилади. Тошкент шаҳридаги 187-рўзномалар дўкони сотувчиси Комилжон Исҳоқов ана шундай инсонларнинг биридир. У бутун умрини шу касбга бағишлаган, 36 йил рўзномалар дўконида хизмат қилган. Ўзи очиқкўнгил, оддий, ажойиб бир инсон экан.Шу боис суҳбатимиз ҳам самимий кечди.***

**— Комилжон ака, дўконингиз турли номдаги газета-журналлар билан тўла экан. Буларнинг бариси сотиладими?**

— Илгари маҳаллий газеталаримиз кам эди. Истиқлол туфайли янги-янги нашрлар пайдо бўлаяпти. Уларнинг айримлари бироз қиммат бўлсада, барибир сотилади. Қолаверса, ҳар бир нашрнинг ўз мухлиси бор. Шунинг учун ҳам улар сотилмай қолмайди.

**— Дўконингиз "Чорсу" бозорининг ўртасида жойлашган экан. Маълумки, одамлар бу ерга бозорлик қилиш учун келишади...**

— Фикрингизни тушундим. Бозорчилар газетани кам ўқишади демоқчисиз. Улар орасида ҳам матбуот нашрларининг ашаддий мухлислари бор. Харидорларнинг кўпчилигини бозорчилар ташкил этади. Ойлик режаларни эса мунтазам ҳар ойда бажариб келаяпман.

**— Сиз ҳар куни юзлаб одамлар билан мулоқотда бўласиз. Сотувчи қандай хислатларга эга бўлиши керак деб ўйлайсиз?**

— Сотувчи — халқ хизматкори. У аввало хушмуомала, тўғрисўз ва ҳалол бўлиши лозим. Шундагина у одамлар орасида ҳурмат-эътибор топади. Мақтанишга йўймангу, узоқ йиллик меҳнат фаолиятимдан ҳали биронта мижоз шикоят қилмаган. Доимо ҳар бир харидорга тўғри муомала қилишга, унинг дилини оғритмасликка ҳаракат қиламан. Биласиз, бозор гала-ғовур жой. Эҳтиёт бўлиб ишлашни талаб қилади.

**— Ҳозир мўмай бойлик топиш пайига тушганлар кўп. Қолаверса, бозорда ҳар хил одам учрайди, безорилар дегандек...**

— Узоқ йиллардан бери ушбу дўконда хизмат қилиб келаман. Бироқ бундай воқеалар содир бўлмади. Баъзида қўпол муомала қилувчилар ҳам учраб туради. Аммо уларга тўғриликча тушунтиришга интиламан.

**— Бу касбни танлаганингиз тасодифми ёки...**

— Касбнинг яхши-ёмони бўлмайди. Менинг алоқа соҳасини танлашимга амаким Ҳамидулла Зокиров сабабчи бўлганлар. 60-йиллари у киши Хадрадаги дўконда сотувчи бўлиб ишларди. Бир куни бетобланиб, анча ётиб қолдилар. Шундан сўнг амакимнинг ўринларига вақтинча ишлаб турдим. Шу-шу алоқачилик касби умрим мазмунига айланди.

**— Комилжон ака, ушбу касбни танлаганингиздан афсусланмайсизми?**

— Ёшлигимда иқтисодчи бўлмоқчи эдим. Ҳозирги Тошкент молия олийгоҳига киргандим. Турмуш тақозоси билан ўқишни давом эттира олмадим. Тақдирим шу касбга боғланган экан, бундан афсусланмайман. Алоқа соҳасидаги меҳнатим туфайли саккиз нафар фарзандимни тарбиялаб, вояга етказдим. Тўрт ўғлимни, икки қизимни уйли-жойли қилдим. Саккиз неваранинг бобосиман. Худога шукрким, ҳар ҳолда ўтган умримдан нолимайман.

**Суҳбатдош Иззат АҲМЕДОВ**

**Олим Орифжонов 35 йилдан буён 35-АТСда катта электромеханик бўлиб ишлайди. Яқинда АТСдаги эски жиҳозлар янги рақамли, электрон тизимларига ўтказилади.**

**Сураткаш Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ**



## ЁШЛАР МУРАББИЙСИ

Меҳнат қилган элда азиз дейишади. Фарғона шаҳар радио тармоғи муҳандиси Комилжон Отажоновнинг 60 йиллик таваллуди нишонланди. У ўзининг 44 йиллик меҳнат фаолияти давомида радио монтёри шогирдлигидан тармоқ муҳандислигигача бўлган шарафли ва машаққатли йўлни босиб ўтди.Комилжон ака 1951 йилдан то шу кунгача бир жамоада — Фарғона шаҳар радио тармоғида ишлаб келмоқда. Бу йиллар мобайнида К.Отажонов меҳнатлари эвазига эл-юрт олқишига сазовор бўлди.

Фарғона вилоят Давлат электр алоқа корхонасида юбилярга бағишлаб йиғилиш ўтказилди. Унда сўзга чиққанлар юбилярнинг радио тармоғига қўшган ҳиссаси ҳақида гапирдилар.

Вилоятдаги кўпгина алоқа корхоналари Комилжон акани қутлуғ ёши билан муборакбод этиб, совға-саломлар топширдилар. Комилжон Отажонов вилоятдаги ёш алоқачилар учун устоз-мураббий ҳисобланади. Шу боис ҳам у кишининг воҳадаги алоқачилар орасида ўз ўрни бор.

**Мадина ТОШМАТОВА,**
**Фарғона вилояти Давлат электр алоқа корхонаси ходими**

# УРУШ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚАЧИЛАРИ

***• Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан***

1941-1945 йилларда фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигини нишонлаш учун барча халқлар қатори ўзбек халқи ҳам катта тайёргарлик кўрмоқда. Бу тарихий ғалабанинг роли ва ўрни халқларимиз ҳаётида бениҳоя каттадир.

Буюк ғалабага собиқ СССР халқлари қатори ўзбекистонлик йигит-қизлар ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Айниқса, фронтдаги муваффақиятни таъминлаш борасида республикамиздаги кўп минг кишилик алоқа тизими ходимларининг фидойилиги алоҳида диққатга сазовордир.

Ўша суронли йилларда республика алоқачилари зиммасига катта вазифалар тушганди. Уруш бўлаётган ҳудудларни зарур хом-ашёлар билан таъминлаш, фронтга кетганлар ўрнига ёш алоқачилар тайёрлаш, хат-хабарлар, жўнатмаларнинг узлуксиз ҳаракатини таъминлаш ҳамда уруш кетаётган жойлардан кўчиб келган аҳолига хизмат кўрсатиш каби муҳим юмушлар тармоқ ходимларининг чекига тушган эди. Тошкент аҳолисининг 1942 йил бошларига келиб, кўчиб келганлар ҳисобига бир миллион кишига кўпайиши ҳам оз сонли алоқачилар ишини икки-уч мартага кўпайтирди.

Фронт орқасидаги меҳнатни қайта ташкил қилиш учун қатор долзарб вазифаларни бажаришга тўғри келган. Алоқа тармоқларининг эскирган ускунлар билан ишлаётганлиги, барча алоқа линиялари марказ билан яхши боғланмаганлиги, мутахассисларнинг етишмаслиги ҳал этиш мушкул бўлган муаммолардан эди.

Республикамиз алоқачилари мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, фронт ва фронт орқасидаги хабарларни ўз вақтида жойларга етказишда мисли кўрилмаган қаҳрамонликлар кўрсатишган. Ўша суронли йилларни Марказий телеграфда бош муҳандис бўлиб ишлаган Б. И. Воронюк шундай эслайди: — "Уруш даврида Тошкент телеграфчилари ишда жонбозлик кўрсатдилар.

Республикамизга душман вақтинчалик босиб олган ҳудудлардан юзлаб корхона, ташкилот, муассаса ва минглаб одамлар кўчириб келтирган эди. Урушнинг энг қизғин палласида хат кам ёзилар, аммо шошилинчномалар кўплаб юбориларди. Натижада шошилинчномаларни сарлаш қийинчилиги пайдо бўлди. Шошилинчномаларни қоплаб жўнатардик. Бундай қоплардан қанчасини жўнатганимизни айтиш ҳам қийин".

1942 йилнинг бошларида Тошкент алоқачилари шаҳардаги барча алоқа жиҳозларини тўплаб, тузатиб, уларни автомашиналарга ўрнатиб, Ўзбекистонда тузилаётган ҳарбий қисмларга беришга қарор қилдилар. Таниқли алоқачи, уруш йиллари Ўзбекистон ССР Халқ Коммисарлари Совети ҳузуридаги алоқа халқ коммисарлиги вакили бўлган А. Е. Калюжный бу ватанпарварлик ташаббусининг ташкилотчиси бўлган эди. Фронтга керакли бўлган барча алоқа қуролларини йиғиш, созлаш ва тайёрлаш ишида Тошкент шаҳар алоқа корхоналарининг муҳандис-техник ходимлари ўрнак кўрсатдилар. Бу ўринда П. Логинов, Д. Ожередов, Б. Камаров каби муҳандислар, П. Силантьев, О. Павленко, М. Бабич каби техникларнинг ҳиссаси катта.

Уларнинг ташаббуси билан ички имкониятлар ҳисобига 1942 йилнинг июль ойида 14 та радиостанция ўрнатилган автомобиллар армиянинг алоқа қисмларига юборилди. Ўша вақтда бу радиостанцияларнинг умумий қиймати 2 миллион сўм билан баҳоланган эди.

Уруш йилларида алоқачилар ўртасида авж олган меҳнат мусобақаларида ҳар бир алоқачи ўз иш жойида худди урушдагидай, фронт орқасида ҳам тартиб-интизомга қаттиқ риоя этиб, берилган режаларни қисқа вақт ичида сифатли қилиб бажаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйишган эди. Сифатсиз иш учун қатъий жазо белгиланганди.

Ўша пайтларда ҳар кунги иш соатига қўшимча яна икки соат ишлаш ташаббусини бутун ўзбекистонлик алоқачилар қўллаб-қувватладилар. Бу чақириқ жойларда кенг қулоч ёйди. Биргина Фарғона алоқа корхонасининг тажрибали телефончиси Фотима Юсупованинг бир ўзи иккита коммутаторлик ишини бажаришга сўз бериб, ваъдасининг устидан чиқди. Республикамизда бундай ватанпарварлик ташаббусларини кўплаб алоқачилар қўлладилар. Улар фронтдаги касбдошлари ўрнида ҳам мардонавор ишлаб, 2-3 сменалик ишни бажардилар. Ф. Юсупованинг ғалабага қўшган ҳиссаси юксак қадрланиб, унга Ўзбекистон алоқачиларидан биринчи бўлиб "Меҳнат Қаҳрамони" унвони берилди.

Жумҳуриятимиз мустақилликка эришгач, алоқа соҳасида ҳам туб ўзгаришлар ясашга имкон яратилди. Энди алоқа тизимида маҳаллий миллат вакилларининг кўпаётгани кишини қувонтиради. Ўзбекистонимиз яқин йиллар ичида жаҳон миқёсида алоқа соҳасида юқори ўринлардан бирини эгаллашига шак-шубҳа йўқ.

**Султонхўжа ОРИФХЎЖАЕВ,**
**Тошкент Давлат дорилфунунининг катта илмий ходими**

"АЛТЕЛ" ЎЗБЕК-ТУРК ҚЎШМА КОРХОНАСИ

**Пул ўтказиш йўли билан:**
**— Тугмачали,**
**— 2 симли алоқа воситаларида ишлайдиган АТСлар учун,**
**— Баланд частоталарга чидамли, жуфт линияларда ишлашга мўлжалланган,**
**— Ўзбекистон ва МДҲ алоқа тармоқлари учун ҳам мослаштирилган,**
**— Алоқа клавишлари зарҳалланган "АЛТЕЛ" телефон аппаратларини сотади.**

**Мурожаат учун телефонлар:**
**75-59-25 , 74-48-74**

Отаули

# ҲАР БИР СЎЗИ — ҲИКМАТ

• *Маънавият хазинаси*

Қадим ва бой туркий тилимиз, айниқса, "давлат тили" мақомини олган ўзбек тилимизни беқиёс хазиналару ганжиналарга тўла сирли сандиқ дейиш мумкин. Ундаги ҳар бир иборанинг мағзини чаққанингиз сари бу тилнинг беқиёс жозибадорлигига ҳайрону лол қоласиз. Масалан, мана шу "тил" сўзининг ўзини олиб қаранг! Шу уч товуш, уч ҳарфдан иборат сўз камида уч маънони ўзида ташийди. "Кес", яъни, "тилимла", "нутқ аъзоси" ва ниҳоят, "алоқа воситаси". Ана энди шу "тил" ўзагига қурилган "тили узун", "тили қисиқ", "тили чучук", "тили ширин", "тилини қарға чўқиган", ибораларини эслаб, вазнини салмоқлаб, юқоридаги ҳар уч маънога тадбиқ этиб қаранг! Биргина "тилини қарға чўқиган!" ибораси замиридаги маъноларни ўйласангиз, беихтиёр ҳайратга тушасиз. Ўттиз икки тишининг орасида — шу мустаҳкам қалқонлар ҳимоясида турган тилини қарғага чўқитмоқ учун одам боласи нақадар лапашангландавур бўлмоғи керак!

"Юз минг валийлар ўтти сирни сирга улашиб" дея туркий тилимизнинг мўъжизавий қудратини ўз шеърларида жаҳонга кўз-кўз этган Сирдарё бўйларида яшаб, яна бир Сирдарё яратган авлиё шоиримиз Аҳмад Яссавий ижодида нақадар улуғ, илоҳий бир сир-асрор бор! Ҳазрати Султони Орифийнинг қуйидаги бир пурҳикмат тўртлигига диққат қилинг:

Ҳақ зикрини мағзи жондан чиқармасанг,
Уч юз олтмиш томирларинг тебратмасанг,
Тўрт юз қирқ тўрт сўнгакларинг қул
қилмасанг,
Ёлғончисан, ҳаққа ошиқ бўлғонинг йўқ!



Нураётган обидалар.

Камина шу пурмаъно сатрлар замиридаги маъноларни ўзимча шарҳлаб, беш юз саҳифадан иборат "Тилсим" номли бир насрий достон ёздим. Бу хабарни айтишдан мақсадим тилимизнинг беқиёс жозибаси хусусида ўша беш юз саҳифага сиғмай қолган айрим мулоҳазаларимни сиз азизлар билан баҳам кўришдир. Дейлик, Аҳмад Яссавийнинг юқорида келтирилган тўртлигида "ҳақ" сўзи "Аллоҳ" маъносинигина эмас, "рост" маъносини ҳам англатиб турибди. Рост гапни рўй-рост, сидқидил айтишга, чинакамига ҳақгўй — ростгўй бўлишга чақирмоқда у покдомон зот! Ҳолбуки бош шиори-ю рўзномаси "Ҳақиқат", ("Правда") бўлмиш собиқ шўро тузуми мунофиқлик билан қип-қизил ёлғонни рост деб қабул қилишга бизни зўр бериб даъват этган эдики, бу иллатнинг нохуш оқибатларидан ҳали ҳануз холос бўлолганимизча йўқ. Ёхуд, "ёлғончисан" сўзи замирида "алдамчисан" маъносидан ташқари "ҳақгўй — ҳаққа ошиқ эмас, ёлғон дунёнинг ўткинчи ҳою-ҳавасларию бебақо мол-дунёнинг беҳисоб қутқуларига асирсан" деган донишмандона танбеҳ ҳам бор!

Ана энди икки пурҳикмат сатрнинг мағзини яхшироқ чақсак бўлади. Одам боласининг жисмида уч юз олтмиш томир, тўрт юз қирқ тўрт сўнгак бор экан. Сирлар дарёсининг туб-тубига чуқурроқ шўнғисангиз, яна англашиладики, одам боласи шунча томирларини ҳаракатга келтириб, сўнгакларини ўз иродасига тобе қилолмаса, ҳақ йўлидан озиб, ёлғончига — ёлғон дунёнинг асирига айланиб қолар экан! Бу фикрларнинг нечоғли тўғри эканини ҳозирги замон фани ҳам аён кўрсатиб турибди. Масалан, рус олими Юрий Андреевнинг "Юқори синф ўқувчиси — ўғлим билан суҳбат" ("Беседа с сыном — старшеклассником") рисоласида эътироф этилишича, замонамизнинг энг зўр алломаси ҳам инсон мияси имкониятларининг миллиондан бир қисминигина ишга сола олар экан, холос!

Биз-чи? Ўз умримизда бу чексиз имкониятларнинг неча фоизидан фойдаланяпмиз. Ҳар қалай, шуниси шак-шубҳасизки, жуда катта қисми беҳуда елга совурилиб, жисми-жонимиз билан бирга ерга кўмилмоқда.

Мисол учун айтайлик, ақалли ўша "уч юз олтмиш томир"нинг нечтаси бугунги кунда бизга маълум? "Вена" билан "артерия"ни, нари борса "бўйин томир"ни биламиз. Қолганларини-чи? Ҳолбуки, қадим ва бой тилимизда бу томирларнинг ҳар бирининг ўз номи бўлган. Нафақат Абу Али ибн Сино каби буюк алломаларимиз, аксарият аждодларимиз ҳам уларни номма-ном билганлар. Бугина эмас, тилимизда "томир" сўзи инсон жисмидаги қон томирларинигина англатмайди. Балки, айни чоғда, "қон-қардош" маъносини ҳам англатади. "Ўзбек — ўз томирим" дер экан, қозоқлар бу мақолдаги "томир" сўзини "қондош-жондош", "қариндош" маъносида қўллайди. Рағбузийнинг "Қисасул анбиё"сида келтирилган ривоятларнинг бирида айтилишича, инсониятни Буюк тўфондан сўнг Ҳақ йўлига бошлаган Нуҳ алайҳиссаломнинг уч ўғли бўлган. Тўнғич ўғил — Хомдан ўн саккиз тилли Ҳиндлар, ўртанча ўғил - Сомдан ўн саккиз тилли Араб ва Ажам, кенжа ўғил — Ёфасдан эса, ўттиз олти тилли Турклар ўсиб-унганлар.Ана ўша ўттиз олти тилли Турклар ўсиб-униб, вақти келиб уч юз олтмиш томирга айланган. Демак, "Турк ота", "Пири Туркистоний" "шайхул машойих" сифатида жаҳонда довруғ қозонган авлиёлар сарвари — Аҳмад Яссавий ҳазратлари тилга олган "уч юз олтмиш томир"да аввало шу ҳол назарда тутилган.

Ҳазрати Султон айтган "тўрт юз қирқ тўрт сўнгак"-чи? Қандай маъноларни англатади? "Султон суягини хўрламас" дейдилар. Бизнинг Султон эмас, Ултонлигимиз, ўз суягимизни хўр ва хор қилиб қўйганимиз шунчаликки, жисмимиздаги "тўрт юз қирқ тўрт суяк"дан бугунги кунда "чаноқ", "чинчалоқ", "чатаноқ", "тоғай", "кенгай" каби бир нечтасинигина биламиз, асосий қисмини эса, минг афсуски унутганмиз.

Шу мухтасар кузатишларимизданоқ аён кўриниб турибдики, аввало давлат мақомини олган қадим ва бой тилимиз, қолаверса, бу тилнинг илоҳий жозибасини жаҳонга кўз-кўз этган Аҳмад Яссавий шеърларидаги ҳар бир сўз-ҳикмат! Бу пурҳикмат сўзлар бағридаги тилсимларни очиш бахти барчамизга муяссар бўлсин, азизлар!

## ХОРИЖИЙ ХАНДАЛАР

Маъруза ўқиётган дўхтир йиғилганларга деди:

—Спиртли ичимлик қони зарар. Кўп аёллар эрлари ичгани учун уйидан кетиб қолган.

—Айтингчи,—дея унинг гапини бўлади олдинги қаторда ўтирган бир эркак, —бунинг учун аниқ неча шиша ароқ ичиш керак?

***

Икки дугона учрашиб қолишди.

—Биласанми,—деди улардан бири,—ўпишиш пайтида беш миллион микроб ўтар экан.

—Хўш, нима бўпти? Демак, шунча микробдан қутулар экансанда!

***

—Қизингизни ёлғиз курортга юбориб, хавотирланмай юрганингизга ҳайронман, хоним.

—Қизим менга маълум қилди, у аллақачон полициянинг назоратига тушибди, энди хотиржамман.

***

Рассом суратлар галереясининг хўжайинидан сўради:

—Ишларимни ҳеч ким суриштирмадими?

—Бир одам сиз ўлгандан кейин бу ишларнинг қиммати ошадими дея кўп марта сўради. Мен ошади деганимдан кейин бира тўла ўн бешта суратингизни сотиб олди.

—Жуда соз! Ким экан у одам?

—Сизни даволовчи дўхтир.

***

Тантиқ қиз онасига нолияпти:

—Ойижон, Жонга турмушга чиқолмайман, у худога, дўзахнинг борлигига ишонмайди.

—Қуёвер, сенга уйлангандан кейин дўзахга ишонадиган бўлади.

## • МАШҲУР КИШИЛАР ҲАЁТИДАН

### Фарадей ким бўпти?

Буюк инглиз физиги Майкл Фарадей катта маърузалари пайтида асбобларни ҳозирлаб, ажойиб кўргазмали тажрибалар кўрсатувчи ёрдамчиси, заҳирадаги сержант Андерсенни жуда ҳурмат қиларди. Аммо Андерсен, гарчи у хўжасига содиқ бўлсада, буюк олимнинг кашфиётларидан унчалик ҳайратга тушмасди: "Хўш, Фарадей ким бўпти? Қиладиган ишининг тайини йўқ. Ҳамма юмушни ўзим бажараяман, у эса фақат гап сотади, холос" дея такрорларди.

### Паришонхотирлик ҳам эви билан

"Рус авиациясининг отаси" бўлмиш Жуковский жуда паришонхотир бўлган экан. Бир куни кечқурун ўз уйида шогирдлари билан суҳбатлашиб ўтириб қолибди. Кейин тўсатдан ўрнидан туриб, шоша-пиша хайрлаша бошлабди:

— Кечирасиз, жаноблар, анча ўтириб қолибман, энди уйга бориш керак.

### Фойдадан холи эмас

Бир мусаввир улуғ химик Менделеевга шундай дебди:

— Шундай машҳур олим бўла туриб ўзингизни эҳтиёт қилмайсиз! Жуда кўп чекасиз. Ахир олимлар буни қони зарар дейишади-ку...

— Олимлар гапираверади-да. Мен тамакининг тутунини пахтадан ўтказдим. Тутун заҳари баъзи микробларни ўлдирди. Демак, фойдадан холи эмас экан...

### Тавсиянома

Бир ўртамиёна актёр Бернард Шоудан тавсиянома ёзиб беришни сўрапти, Шоу ёзиб берипти: "Бу актёр Гамлет, Ромео, Фердинанд ролларида ва пианино, флейта, бильярдда ўйнайди. Айниқса, охиргисида маҳорат билан ўйнайди".

### Кимни ёмон одам дейиш мумкин?

Қадимги юнон файласуфи Афлотун шундай деган экан:

— Ҳеч нарса билмайдиган ва бирон нарсани билишга интилмайдиган одам жуда ёмон одамдир, чунки унда бира тўла иккита айб мужассамдир.

### Хатосини тузатди

Шоир Буало саройдаги зиёфатлардан бирида ҳар ким ҳам эртами-кечми барибир ўлиши муқаррарлигини айтибди. Бу гапни подшо Людовик XVI ҳам эшитибди. У ғазаб билан шоирдан изоҳ талаб қилибди. Шоир хатосини тузатиб, шундай депти:

— Йўқ, ҳамма эмас, деярлик ҳамма ўлади...

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

•

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шуҳрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Мирпўлат МИРЗО
Тоҳир РАҲИМОВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ
Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўривой АҲМЕДОВ
Билол АМИНОВ
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳрух АКБАРОВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Жамол КАМОЛ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД
Сафар ОСТОНОВ
Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 32-36-42, 32-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

•

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш №000011. Буюртма №Г-0082 . 13825 нусхада чоп этилди

Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

